**Сўнгги кунларда АҚШ Сенатининг Давлат ишлари бўйича қўмитаси раиси Жозеф Либерман бошчилигидаги делегациянинг, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игорь Ивановнинг ва бошқа бир қанча давлатлар, ҳукуматлар вакилларининг юртимизга келиши Ўзбекистон геополитик, геоиқтисодий жиҳатдан жаҳонда муҳим ўрин тутаётганлигини кўрсатади. Тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик хуружларининг олдини олиш, бу борада ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтириш Ўзбекистон учун ҳам, бошқа тинчликпарвар кучлар учун ҳам муҳим вазифалардан саналади.**

Жаҳон жараёнлари

# ХАВФСИЗЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК, ОГОҲЛИК

Ўзбекистон ва АҚШ минтақада тинчликни таъминлаш йўлида ўзаро ҳамкорликни давом эттираверади. Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ сенатори Жозеф Либерман АҚШнинг Марказий Осиёдаги ўрни ва ролига тўхталиб, шундай деган эди: "АҚШнинг Марказий Осиёдаги, хусусан, Ўзбекистондаги манфаатлари ёки қизиқишлари камайгани йўқ. Марказий Осиё мамлакатлари ўз мустақилликларини эълон қилганларидан сўнггина, АҚШ улар билан муносабат ўрнатди. 2001 йил 11 сентябрдаги террорчиларнинг хуружлари ушбу минтақа муаммолари бевосита Америкага ҳам таъсир қилишини кўрсатди. Ва бу нарса кўзимизни очди. Иккинчидан, ушбу минтақа стратегик жойлашуви, сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан жаҳон ҳамжамиятининг муҳим қисми ҳисобланади".

Террорчиларнинг уялари йўқ бўлишидан Россия ҳам манфаатдор. Чунки, Афғонистондаги халқаро террорчиларни тайёрлаш базаларида чечен жангариларининг ҳам катта қисми тайёргарликдан ўтган. Шунинг учун мамлакатлар минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлида ҳамкорликни бундан кейин ҳам давом эттиравередилар.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда ўзаро манфаатлар ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган сиёсатни амалга оширмоқда. АҚШ ҳам, Россия ҳам Ўзбекистонни стратегик ҳамкор деб эълон қилган. Бунинг тагида жуда катта маъно бор. Демак, қудратли давлатлар яқиндагина мустақил бўлган Ўзбекистонга тенг ҳамкор сифатида қараяпти. АҚШ расмийлари Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолатчиси, АҚШнинг энг яқин шериги, деб айтаётган бўлса, Россия Президенти Путин мамлакатимизга ташрифи чоғида "Ўзбекистон Россия манфаатларини Марказий Осиёда ҳимоя қилаоладиган ягона давлатдир. Марказий Осиёда бирор бир муаммо пайдо бўладиган бўлса, уни фақат Ўзбекистон ҳал қилиши мумкин. Ўзбекистонга қилинган ҳар қандай таҳдид Россияга ҳам қилинган таҳдиддир", деган эди.

Кўпчилик, АҚШ ва бошқа Ғарб давлатлари делегацияларининг мамлакатимизга тез-тез келиши вақтинчалик хусусиятга эгамикан, деган савол атрофида бош қотирмоқда. Бу саволга АҚШ Конгрессидаги вакиллар палатаси аъзоси Жим Колби қуйидагича жавоб берди: "Мен ишонаманки, бундай ҳамкорлик мамлакатларимизнинг бундан буёнги муносабатларининг ривожига боғлиқ. Қўшинларнинг Афғонистондаги аксилтеррор операциялари давом этар экан, сўзсиз Америка ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятининг делегациялари минтақага тез-тез ташриф буюради".

Бугунги кундаги энг муҳим вазифа Афғонистондаги вазиятни имкони борича тезроқ барқарорлаштиришдир. Бу ерда тинчлик ўрнатилса, минтақадаги давлатларга бўлган хавф камаяди. Хорижий сармоядорларнинг минтақага кириб келиши тезлашади. Афғонистонда тинчлик бўлишининг муҳим омилларидан бири мамлакатда кўплаб ишчи ўринларининг яратилиши учун кўпроқ молиявий ёрдамлар ажратишдир.

Ўзбекистоннинг мақсади битта: Бутун жаҳон билан бирга яшаш, жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларидек ҳаёт кечириш, жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос, ўзига мос ўринни эгаллашдир. Хавфсизлик, барқарорлик бизнинг бош шиоримиздир. Чунки, айнан шу шиорлар ҳар бир мамлакат, ҳар бир халқнинг тинчлиги, фаровонлиги, равнақи учун мустаҳкам пойдевор яратади. Ўйлаймизки, мамлакатимиз XXI асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўринни эгаллайди. Тупроғимизнинг табиий, халқимизнинг ақлий салоҳият ва захираси ички барқарорлигимиз ва халқаро майдондаги нуфузимиз янада мустаҳкамланишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

**Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Абдували СОЙИБНАЗАРОВ**

# ОТ ЙИЛИ

**От йилида туғилганлар ғурурли ва меҳнатсевар бўладилар, дид билан кийинадилар. Одамлар кўп йиғиладиган жойларга — кино, театр, концертлар, ҳар хил мусобақалар, йиғилишларга боришни хуш кўришади. Спортни севади. Хушчақчақ, маҳмадона, ёқимтой, бошқаларни мақташга уста, шунинг учун кўпчилик орасида машҳур.**



От йилида туғилганлар ҳамсуҳбатининг айтмоқчи бўлган фикрини дарров англаб олади. Улар фақатгина ақлий меҳнатга эмас, балки жисмоний меҳнатга ҳам чидамли бўлишади. Ҳар бир ишни моҳирлиқ билан бажаради. Ўз қобилиятига ичидан шубҳаланса ҳам, доимо ўзини бардам тутади.

Жаҳли тез, дарров "лов" этиб ёнади, шу сабабли кўпинча деярли тамомлаган ишларини ташлаб кетади, қийинчилик билан эришган нарсаларини йўқотади. Жаҳли чиққан пайтда уни бошқариб бўлмай қолади.

Бу мучал эгалари — ўз йўлига тўғоноқ бўлганлар. Ўз йўлида тўғаноқ бўлганларни ҳеч бир виждони қийналмасдан "янчиб" кетаверишади. Кўпинча уни ўз муаммоларигина қизиқтиради, агар бошқалар ишига аралашиш тўғри келиб қолса ҳам, ўз фойдасини ўйлаб туради.Табиатан мустақил, бировлар маслаҳатига қулоқ солмайди. Ўз ҳолича иш кўради.

Оила барқарорлиги унга боғлиқ, чунки оилада у етакчи ўринни эгаллайди. Гарчи бу ҳолат фақат ўзи учун, ўз хоҳиши учун ишласа ҳам, ундан ҳамма фойдаланади.

Улар пулни усталик билан ишлатишади, улардан яхши молиячи чиқади. Характери ўзгарувчан бўлганлиги сабабли, қилаётган ишини бирдан ташлаб қўяди, лекин кейинчалик аввалгидек шижоат билан яна қайта бошлайди. Ёлғизликни талаб қилмайдиган ҳар бир соҳада у омад қозониши мумкин. У доимо одамлар орасида машҳур бўлиб юришни, уни мақташларини ёқтиради.

Қарши жинс вакилларини кўрса, "эриб" кетади. Севгиси учун ҳамма нарсадан воз кечади. Агар ўз вақтида эҳтиросларини жиловлаб олса, ақлини муҳаббатдан устун қўйса, бахтли бўлади ва муваффақиятга эришади.

Бу мучалдагилар 40 ёшгача жўшқин ҳаёт кечиради. Қарилик даври осойишта ўтади.

От йилидагилар қўй, йўлбарс, ит йилида туғилганлар билан яхши ҳаёт кечирадилар. Сичқон мучали билан асло келишолмайди. От йилининг буржларга таъсири:

**Қўй** — "қони тез" От. Кескин, жаҳлдор, лекин ақлли.

**Бузоқ** — худбинлиги унча сезилмайди. Ҳаммага ён босади. Жанжалга тоқати йўқ, босиқ.

**Эгизаклар** — Бир жойда тинч турмайди. Ишини ҳеч қачон охирига етказа олмайди.

**Қисқичбақа** — Бир хил қолипга тушиб қолган От. Таъсирчан. Ўзи хоҳлаганча яшай олмайди, биров чизиб берган чизиқдан чиқмайди.

**Арслон** — Лидер. Кўп ишларга қодир. Фақат ўзи ҳақида ўйлайди.

**Паризод** — Моҳир От. Лекин характери ўзгарувчан. Уни ишчанлиги қутқариши мумкин.

**Тарозу** — Танноз От. Хоҳлаган ишини қилади.

**Чаён** — Ёввойи От. Эҳтиросга, севгига жуда берилувчан.

**Ўқотар** — Меҳнатсевар От. Узоққа боради.

**Тоғ эчкиси** — Масъулиятли От. Тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Ҳаёти муаммоларга бой.

**Қовға** — Учқур От. Эҳтиросларини жиловлай олса, кўп нарсаларга эришади.

**Балиқ** — Чуқур фикрловчи От. Ёввойи бўлса ҳам, ҳаётдан қониқиб яшайди. Яна нима қилсам экан деб тез-тез ўйлайди.

**Н. САЪДУЛЛАЕВА**
**тайёрлади**

# SPORT

## РОССИЯ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Россия терма жамоаси Чехияда бўлиб ўтган хоккей бўйича жаҳон чемпионати финалида Канада терма жамоасини 5:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

## МАРТИНАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Кимга қанда-ю, аммо 13 рақами машҳур теннисчига омад келтирди. Ўйинда ютқазиб, ўз "Кабриолет"ида гўё учиб, Шимолий Каролинадан Флоридадаги уйига кетаётганда бошланди.



Оламга машҳур "юлдуз" одатдагидек кетиб борарди. Бир пайт қўли уяли алоқа воситасига чўзилиб, бир неча кун илгари ўзини хира пашшадай таъқиб қилиб юрган Дубравко Рачевични икки йилга панжара ортига жўнатган прокурор Хрис Галкиннинг рақамларини тера бошлади. Прокурордан учрашувни хоҳлайдими-йўқми, шуни сўради. Прокурор ҳам эртасигаёқ учрашувга етиб келди. Ва яна навбатдаги бахтиёр кунлар бошланди.

Галкиннинг Хингис ишини ижобий ҳал этиши ёш прокурорнинг касбий фаолиятидаги биринчи кўзга кўринарли иши эди. У бунгача енгилтак аёллар муаммоларини ҳал этиб, бир йилнинг ичида уларнинг 337 нафарини қамоқхонага юборган эди. Бу муросасиз фаолияти учун, гарчи йилига 40 минг доллар бўлса-да, маоши оширилишига эришди. Аммо Мартинанинг унга кўнглини очиши прокурор учун энг катта мукофот бўлди. Бироқ олифта Рачевичнинг адвокати ҳам қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. У прокурорни ноxолисликда айблаб, иш қўзғатишга эришди.

## ЖОРДАННИНГ НАВБАТДАГИ ПАРВОЗИ

Майкл Жордан ўзининг собиқ жамоаси "Чикаго буллз" билан бўлган учрашувда (ҳисоб 89:83) Ўз фаолиятидаги 30000 очкосини тўплади. У бу билан 30000 — очколик МБА (миллий баскетбол ассоциацияси) тарихидаги тўртинчи спортчи бўлди. Жордангача бу маррани собиқ баскетболчилардан "Лос-Анжелес Лайкерс" жамоаси ўйинчилари Уилт Чемберлен ва Карим Абдул-Жаббор ҳамда "Юта-Жаз" ҳужумчиси Карл Мэлоунларгина забт этишган эди.

## ЯПОНЛАР ҚИШКИ ОЛИМПИАДАНИ СОТИБ ОЛИШГАНМИ?

Наганодаги оқ Олимпиадани "қўлга киритишда" мезбонлар халқаро Олимпиада қўмитасининг ҳар бир аъзоси учун 100 минг доллардан пора беришган.

Бу ҳақда АҚШдаги Солк-Лейк-Ситининг 2002 йилги оқ олимпиада пойтахти қилиб танлаганлигига бағишланган маърузада айтилди. Ҳужжатдан парчани Солк-Лейк-Ситидаги ўйинлар ташкилий қўмитаси эълон қилгач, "Лос-Анжелес таймс" уни ўз саҳифаларида ёритган.

# ПАРИЖДА ЎЗБЕКЧА ГАПЛАШМОҚДАЛАР

***Яқинда Париждаги "Харматтан" нашриёти кутубхонасида француз тилида сўзлашувчилар учун мўлжалланган "Ўзбекча гаплашамиз" номли китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур янги қўлланма муаллифи Самарқанд Давлат чет тиллари институтининг француз тили ўқитувчиси Саодат Дониёровадир.***

— Қўлланманинг француз тилидаги матнини таҳрир этишда франциялик Эвелин Бургат хоним катта ёрдам кўрсатди, унинг Парижда чоп этилишида эса "Евро-Медитерране" уюшмасининг раиси Режин Филип-Баяи хонимнинг, "Харматтан" нашриёти масъул ходими жаноб Мишел Малербнинг кўмаги беқиёс бўлди, — деб эътироф этди муаллиф. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг ҳам мазкур қўлланманинг юзага келишида хизматлари катта бўлди.

"Ўзбекча гаплашамиз" қўлланмаси бир неча йиллик меҳнат самараси бўлиб, унда қўҳна юртимиз тарихи, бой мероси ва анъаналари, унинг ўзига хос тили ва маданияти содда, равшан баён этилган. Энг асосийси, китобдаги ўзбекча талқин ва тушунтиришлар лотин алифбосида берилган бўлиб, бу ўзбек тилини ўрганаётган француз китобхонлари учун жуда катта қулайлик яратади.

- Ушбу қўлланмани нашрга тайёрлашда институтимиз ректори Юсуф Абдуллаевнинг кўмаги катта бўлди, - деди Саодат Дониёрова "Туркистон-пресс" мухбирига. – Аслида институтимизда хорижий тилда сўзлашувчиларга ўзбек тили маданияти ва тарихини ўрганиши учун бир неча тилларда қўлланмалар тайёрланмоқда. Жумладан, институтимизнинг етакчи ўқитувчиларидан Д.Султонова, Р.Усмонова, З.Маттиева, М.Орзиқулов ва бошқаларнинг немис, инглиз ва бошқа тилларда ҳам таржима асарлари чоп этилган.

Саодат Дониёрованинг бу қўлланмаси ўзбек тилини ўрганиш ва ўзбек маданияти билан танишиш иштиёқида бўлган французлар учун муҳим ўқув қуроли бўлиб қолиши кутилмоқда. Шуниси эътиборлики, эндиликда Саодат Дониёрова "Харматтан" нашриёти билан ҳамкорликда "Қорақалпоқча гаплашамиз" номли қўлланмани чоп этишни, "Ўзбек халқ эртаклари"ни француз тилига ўгириб нашрдан чиқаришни режалаштирмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

# «ҚУВНОҚ СТАРТЛАР»ГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 110-мактабда Халқ таълими вазирлиги ва "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти ҳамкорлигида ўтказилиб келинаётган Республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақалари саралаш баҳсларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу йилги мусобақаларда 13 та вилоятлардан жамоалар иштирок этиши мўлжалланган. Тантаналар мактаб мусиқа тўгараги қатнашчилари ижросида юртимиз Мадҳиясини куйлаш билан бошланиб, ўзбек миллий либосларига бурканган ўқувчи-қизлар рақсларига уланиб кетди. Айниқса, бадиий гимнастика тўгараги ўқувчиларининг чиқишлари тантана руҳига файз бағишлади. Шундан сўнг томошабинларнинг олқишлари остида "Қувноқ стартлар" мусобақаларининг илк учрашуви бошланди. Унда Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 4-мактабнинг "Орзу" жамоаси ҳамда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 25-мактабнинг "Ниҳол" жамоалари куч синашдилар. Ўзаро баҳслар натижасига кўра, "Орзу", "Ниҳол"дан 26:19 ҳисобида устун келди. Республика телевизион мусобақасининг ғолиби ва совриндорлари шу йил апрель ойида аниқланади. Унгача ҳар ҳафтада мактаб ўқувчилари қизғин спорт баҳсларининг мухлиси ва қатнашчиси бўлиш имкониятга эга бўлишади.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

SAN`AT OLAMI

**Рассом нимани акс эттирмоқчи бўлганини тушуниш керак**

# АЁЛ КЎЗЛАРИДА ДУНЁ СИРЛАРИ

Ёш мусаввир Қобил Тоировнинг навбатдаги кўргазмаси шундай номланди.

У яратган ҳар бир асарда энг латофатли, энг жозибали аёллар тасвирланган. Муаллиф ўз услубига эга, Шарқ анъаналаридан хабардор, асосийси атрофни кўнгил кўзи билан кузата олади. Шодлигу қайғунинг рангини ўзи яшаётган ҳаётдан излайди. Буларнинг барчаси у яратган асарларда акс этган.



Қобил Тоиров тасодифан мусаввир бўлгани йўқ. У болалигиданоқ қўлига мўйқалам ушлаб, ҳар хил суратлар чизар, бу эса тенгдошларини ҳайратга соларди. Санъатга қизиқиш, чиндан-да уни машҳур қилди. Тасаввур қилинг-а, дарахтлар бағрида ҳаёт мавжудлигини акс эттирувчи аёл кўзлари жилоланади.



Ҳа, мусаввир чизган, яратган суратларда ҳайрат мавжланади, кўкларга кўтариб мақтагулик, бироқ бу муҳим эмас. Муҳими, рассомни, у нимани ўйлагани-ю, нимани акс эттирмоқчи бўлганини тушуниш керак.

**Зиёда АШУРОВА**

BUZOQNING YUGURGANI...

**Очилмаган бахт**

**Фозилжон 22 ёшда уйланди. Яна шундай тўй қилдики, овозаси етти эмас, етмиш қишлоқ нарида ҳам дув-дув гап бўлди. Унга дўстлари ҳавас қилишди. Тўйдан сўнг: "Мен машина тузатадиган уста бўламан, деб орзу қилганлар, шу ниятда унинг уйида қўлини фотиҳага очганлар ҳам бўлди", десак янглишмаймиз. Айниқса, айрим ўртоқларининг ота-оналари: "Ана, Фозилжонни кўрмайсанми, ўша ҳам сен билан тенг, пул топиб, давлат йиғиб уйланиб олди. Сен бўлсанг, ҳали ўзингни йиғиштиролмайсан", дейишди ўғилларига.**

# МАШИНАДАН ҲАМ, ХОТИНДАН ҲАМ АЙРИЛДИ

Кейинги пайтда, тадбиркорлик боисми, айрим кишиларнинг "тўрт" кунда бой бўлиб кетаётгани туфайли, ҳеч вақоси йўқ кишининг ҳам дарров бой-бадавлат бўлиб қолганига кўп таажжубланмай қўйдик. Шу боис, машиналарнинг кузовларини тузатиш билан шуғулланувчи Фозил Набиевнинг ҳали ёш бўлишига қарамай, тезда ўзи маблағ топиб уйланганига кўпчилик эътибор қилишмади.

Қисқаси, мақталган қиз тўйда ҳунар кўрсатар деганларидек, Фозилжон тўйида ҳеч бир ортиқча қилиқ кўрсатмаган бўлса-да, тўйдан сўнг ишининг сири очилди.

Қонун посбонлари ҳовлидаги маккажўхоризордан "Дамас" машинасининг кузовини ковлаб олишди. Уйининг ичига кириладиган ертўладан автомашинанинг эҳтиёт қисмларини олиб чиқиб, хатлай бошлашди.

Чунки, бу "ишбилармон, меҳнаткаш йигит" ўғри бўлиб чиқди. Бир кишининг ўғирланган "Дамас" автомашинаси унинг уйидан топилди. Начора, одамнинг оласи ичида экан. Яна таажжубланарлиси бу ишидан унинг онаси ҳам бохабар экан. Дарҳақиқат, ўғирлаб келинган машинадан ечиб олинган баллонлар, аккумулятор, мотор қисмлари ва бошқа эҳтиёт қисмларни миллион-миллион сўмга сотиб, бу пулларни уйланиши учун сарфлаган.

Ачинарлиси, Фозилжон нафақат "Дамас" эгасини, балки, жуфти-ҳалоли-ю, ўз оиласини ҳам изтиробга солди. Энди у машинадан ҳам, хотиндан ҳам айриладиган бўлди.

Хуллас, куёвнинг "тадбиркор"лиги тўйгача етди, холос. Тўйдан сўнг ҳали чилласи ҳам чиқмаган келин уйдан кетди. Куёвнинг бахти очилмай, ёпиладиган бўлди.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ**

«Turkiston» ҚАҲВАХОНАСИ

# ҚЎШИҚҚА МОСЛАБ ШЕЪР ЁЗАЯПМАН

**Ҳозирги қўшиқлар ҳақида гап кетганда, уларнинг яратилишида қўшиқчи шоир Иброҳим Жияновнинг хизматига ҳам тўхталмоқ керак. Чунки, унинг қаламига мансуб "Синчалак", "Сунбула", "Дунё гўзал" каби ажойиб қўшиқлар аллақачон мухлислар қалбидан муносиб ўрин эгаллаган. Иброҳим ака асли мусаввир.**

Балки кўпчиликнинг ёдида у бошловчилик қилган "Тараннум" кўрсатуви қолган бўлса ажаб эмас. Унинг илк шеърлари Дониёр Тошмуҳаммедов, Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаевалар томонидан қўшиқ қилиб куйланди. Ҳозирда унинг кўплаб шеърлари "Шаҳзод", "Хўжа", "Байрам" каби ёшларнинг севимли гуруҳлари ва таниқли ёш эстрада хонандалари томонидан ижро этилмоқда.

Яқинда қўшиқчи шоиримиз янги бир ишга қўл урди. Режиссёр Фурқат Файзиевнинг таклифига кўра, "Қўшиғимга айлангин, ҳаёт" деб номланадиган фильм сценарийсини ёзиб тугатди. Турк эстрадасининг юлдузларидан бири Эмраҳ фильмда бош қаҳрамон ролини ижро этмоқда.

— Суратга олиш жараёнлари 2001 йилнинг декабрь ойида Тошкентда, ҳозирда эса Туркияда давом этаяпти, — дейди Иброҳим Жиянов биз билан суҳбатда.



**— Дастлаб шеър ёзишга ўтирганингизда қўшиқ бўлади, деб ўйлаганмисиз?**

— Йўқ. Чунки, шеърларимнинг қўшиқ бўлганини барча қатори телевидениеда, аудио кассеталарда эшитганман.

**— Қўшиқчи шоир иборасини қўллашганда хафа бўласизми?**

— Нега энди, хафа бўлишга ўрин йўқ. Қўшиқ бўладиган шеърни ёзишнинг ҳам ўзи бўлмайди-ку.

**— Ҳозирчи? Қўшиқ учун шеър ёзасизми? Нега?**

— Албатта, ҳозир қўшиққа мослаб ёзяпман. Сабаби, қўшиқчиларимиз баъзи ҳолларда тайёр мусиқасини ташлаб кетади. Янги бир қўшиқ яратиш анча-мунча маблағ талаб қилади. Айниқса, оранжировка, шеърни куйга мослаштириш хонандаларнинг юмушини орттирмоқда.

**— Режаларингиз қандай?**

— Мусаввирликни давом эттирмоқчиман. Эдгар Дига, Ренуарнинг ижод йўлида суратлар чизиб, бу борада ҳам маҳоратимни синаб кўрмоқчиман.

**Жавоҳир ҚУДРАТОВ**
**суҳбатлашди**

